

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида АТП Тур ижрочи директори Марк Майлани қабул қилди.

Юртимизда Президент кубоги учун аънавий халқаро теннис мусобақалари бошланди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни аввало ушбу турнирда шахсан иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрганидан мамнуният билдирди.

Ўзбекистонда Президент кубоги учун халқаро теннис мусобақалари еттинчи бор ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, унинг халқаро доирадаги нуфузи йил сайин ошиб бораётир. Жаҳоннинг кўзга кўринган профессионал теннисчилари ва мутахассислари турнирга жуда юқори баҳо бераётгани сир эмас. «Юнусобод» спорт мажмуида ҳар йили дунёга машҳур теннисчилар куч синашади. Қувонарлиси, бу яхши аънамага айланади бормоқда. Қолаверса, юртимиз довуруғи жаҳон бўйлаб янада кенг қулоч ёйишида ушбу мусобақаларнинг аҳамияти катта. Айни пайтда юртимиздан моҳир теннисчилар етишиб чиқаяпти. Бу ютуқларда АТП Турнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида мазкур халқаро спорт ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 сентябр, сешанба №134 (966)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобилига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея «ўзга» давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир – бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис жаноблари!

Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблари!

Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуктаи назардан, бизнингча, гоёта муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бугунги кунда ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдига турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, таҳовузор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон сахнасига чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобилига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея «ўзга» давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир – бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, моҳаролаб гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақалараро ва давлатлараро хусусият касб этади.

Буларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремистик куч-



ларнинг тарқалиши ҳамда таҳовузорлик объектига айланади бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари – минтақа давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатидан иборат.

20 йилдан ортқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигонига ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтириётган ва халқаро террорчиликни озиклантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи – фабрикасига айланган.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опийум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қўлай йўللarga – коридорларга айланмоқда. Шу биргина мисолда замонавий воқелигининг икки мудиҳи ҳодисаси – халқаро

террорчилик ва наркотиқ бизнес ўзаро қиримшиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга умуражаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафоқаш афғон халқига ўз замининда узоқ вақт озиқиб қутилган тинчлик ўрнатишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июл ойида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари» тўғрисидаги Тошкент декларацияси» ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қарши томонлар ўртасида музокара-лар олиб бориш жараёни

учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин. БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга ҳозирданок Афғонистонда низо-лардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг қўламли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Хонимлар ва жаноблари!

Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро террорчиликнинг ўсиб бораётган хавфига қарши курашни кучайтиришнинг долзарблиги ва муҳимлиги тўғрисида сўз кетар экан, Ўзбекистон БМТ Бош қотиби жаноб Кофи Аннанингни 2000 йилда БМТ доирасида террорчиликка қарши халқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги тақлифини маъқуллайдим.

Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим курашларида эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб бориш тақдирини унга қарши туришимиз мумкин.

Бу қуллар қимёвий, биологик ва бошқа оммавий қир-

гин қуролларини қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзга келиши мумкинлигини таъсирчан равиш билан таъкидлайман.

Шу жиҳатдан «Катта саккизлик» давлатларининг террорчилик фаолиятини молиялаш манбаларини йўқ қилиш тўғрисидаги келишувининг сўзда эмас, амалда бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур минбардан туриб, мен Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Истамбул саммитида БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Ўзбекистон ядро қуроллини тарқатмаслик ва қуролсизлаштиришга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатъий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Бусиз глобал микёсда ҳам, минтақавий микёсда ҳам стратегик барқарорликка эришиб бўлмайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси аҳамиятини янада оширади ва уни тезда халқаро-хуқуқий жиҳатдан қонунлаштириш заруратини илгари суради. Биз БМТ Бош қотиби жаноб Кофи Аннанингни ядро-сиз ҳудуд тўғрисидаги минтақавий шартнома лойиҳасини яқинлаш устида иш олиб бораётган минтақавий экспорт гуруҳини қўллаб-қувватлашга доир сўй-ҳаракатларига юқори баҳо берамиз.


Хурматли анжуман иштирокчилари!

Минтақавий муаммолар мажмуидаги эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атраф муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи ҳавзаси муаммолари тўғрисида бир неча бор гапирганиман. Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасида кенг кўламли аҳамият касб этамоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўғлиқ авлод генфондида таъсирида кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ



Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда спортга катта эътибор қаратилаётганини бугун жаҳон кенг эътироф этапти. Истиклол йилларида бу борада амалга оширилган ишлар юксак натижаларни бермоқда. Хар йили ўнлаб спортчиларимиз жаҳон ва китъа биринчиликларида, халқаро турнирларда ғалаба қозонаётгани, совриндор бўлаётгани жаҳон ахлини Ўзбекистон спортини тан олишга мажбур этаётир.

Мамлакатимизда яна бир улкан спорт байрами – «Президент кубоги» аънаванавий теннис турнири бошланди. Еттинчи бор ўтказилаётган мазкур мусобақа айни пайтда ҳар бир профессионал теннисчи қатнашишни орзу қиладиган турнирлар қаторига кирди.

11 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мазкур нуфузли аънаванавий турнирнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмуидаги ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз парламенти ва ҳукумати аъзолари, ифодаги шундай маҳоратли идор ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, қўлдан-қўл спорт мухлислари ол-

қишлар билан кутиб олдилар. Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, мазкур аънаванавий халқаро мусобақа иштирокчиларини Ўзбекистон замининда яна бир бор самимий қўллаб-қувватлаганидан мамнуният изҳор этди.

Еттинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» турнири спортнинг энг чиройли турларидан бири ҳисобланадиган катта тенниснинг ёрқин ва унутилмас байрами бўлишига ишонаман, – деди Ислон Каримов. – Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бундай мусобақалар ва уларда экстрата тоифадаги шундай маҳоратли ўйинчиларнинг иштироки фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё минтақасида тенниснинг



ривожланиши ва оммалашуви катта туртки бўлди. Буни жаҳон спорт жамоатчилиги ҳам тан олмоқда.

Ўзбекистонда тенниснинг мисли кўрилмаган тараққиёти самараси ўларок, бугунги кунда юртимиз спортчилари ҳам жаҳон теннис юлдузлари сафидан жой олди ва олмоқда.

Ўзбекистонда спортга эътибордан кўзда тутилган олий мақсад – соғлом авлодни воға етказиш, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, қолаверса, шу йўл билан юртимиз донгини дунёга таратишдир. Тенниснинг тараққиёти ҳам халқимиз камоллатига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этди.

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳозирги номни олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Ҳозир БМТ 188 мамлакатни бирлаштирган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Шу боис, БМТ аввало урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нукталарида

мавжуд вазиятдан бошқарув бўлиш, келиб чиқиши мумкин бўлган моҳароларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин.

БМТнинг қолган вазифалари ҳам бевосита уруш ва тинчлик билан боғлиқ. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиқлаштиришидир.

Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган мамлакатда вазият барқарор бўлиши қийин. Шу билан бирга, уруш бўлган

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

жойда тинч аҳолининг жабр кўриши, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётидаги таъвофутлар ҳам маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Кучлироқ мамлакат камқувватроғи устидан ҳукм юритишга интилади. Бир мамлакат би-

рон жихатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига таъйиқ бошланади. Бу эса, кўп ҳолларда, катта ғалаёнларга, фуқаролар урушига, бир сўз билан айтганда, қурол-

ли моҳарога олиб кетади. Мисол сифатида Африка, Жануби-шарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Хўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юмиб бўлмайди. Тинчликни сақлаш миссиялари, очарчилик, қургоччилик ва бошқа офатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳолини яхшилаш, илм-фан,

маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бора-борга лойиқ. Лекин БМТ ҳозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлай олаётгани шубҳали. Бу саволга ижобий жавоб айтиш қийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозиргача дунё халқлари кутган «наҳот қалъаси»га айлана олмайпти, дейиш мумкин. Бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлат-

нинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, жўғрофий ўрни, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолади. Косовони олайлик. Мазкур ўлкада чиққан моҳаро БМТнинг олдиндан ўтилмасдан ҳам тезда бостирилди. Савол тугилади: Хўш, Афғонистонда давом этаётган йигирма йиллик урушга барҳам беришга нега муносабат бошқача?

«Совуқ уруш» тугаганидан кейин инсоният

энди хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид қилган эди. Сўнгги йиллардаги воқеалар хотиржамликка ҳали эрталигини кўрсатяпти. Халқаро террор, фуқаролар урушлари авж олмоқда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмапти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатининг бошқаларникидан устунлигидаги шундай маҳоратли ўйинчиларнинг иштироки фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё минтақасида тенниснинг

ривожланиши ва оммалашуви катта туртки бўлди. Буни жаҳон спорт жамоатчилиги ҳам тан олмоқда.

Ўзбекистонда тенниснинг мисли кўрилмаган тараққиёти самараси ўларок, бугунги кунда юртимиз спортчилари ҳам жаҳон теннис юлдузлари сафидан жой олди ва олмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва қутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимдир ишонтириши ёки бунга ишбоблаб ўтиришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммага бефарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.

Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгаши тузишни таклиф қиламан.

Ҳурматли жаноб раислар,

Замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилиши, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқишлини таъминлаш эътиборида биз, энг аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинишни тушунаман.

Бу жиҳатдан, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

БИРИНЧИДАН, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби

нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсада мувофиқ.

Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сивасида муҳим рол ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

ИККИНЧИДАН, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат бидиришда тезкорликни ошириш учун Бош қотиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

УЧИНЧИДАН, Хавфсизлик Кенгашининг

сизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воқеликларини ҳамда механизмларини ҳамда муваққат аъзолари сонини ошириш мақсада мувофиқ.

Сўзимнинг якунида, ижозатингиз билан, Саммит раислари -Намибия Республикаси президенти жаноб Сэм Нуюмани, Финляндия Республикаси президенти Тарья Халонен хонимни ушбу маъсул ятти лавозимга сайлангани билан табриқлайман. Саммит фаолияти самарали бўлади, деб ишонаман.

Этиборингиз учун раҳмат.

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи қизғин қарши олинди. У энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ва талай янги ташаббусларни илгари сурди. Аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик кенгаши сафини кенгайтирмоқ керак, деди Ўзбекистон раҳбари. Яъни БМТнинг энг катта нуфузга эга органида имкон қадар кўпроқ давлатлар овозига эга бўлиши керак. Бунда доимий аъзолар билан бирга, нодоимий аъзолар сонини ҳам кўпайтириш мақсада мувофиқдир. Ислам Каримов бу ислохотни босқичма-босқич амалга ошириш жоиз эканини таъкидлар экан, доимий аъзолар қаторига Германия ва Япония қўшилишини таклиф этди.

Мазкур икки мамлакат «Катта еттилик» сафига қўшилганининг ўзиёқ уларнинг дунё иқтисодий ва сиёсий ҳаётида нечоғлик муҳим ўрни тутишини кўрсатади. Ўзбекистон мисолида олиб қараганда ҳам, уларнинг салоҳияти яққол намоён бўлади. Япония ҳам, Германия ҳам мамлакатимиздаги улкан лойиҳаларда фаол иштирок этиб келяпти. Иккинчи томондан Германия ва Япония БМТга энг кўп бадал тўлайдиган давлатлар сирасига кирди. Демак, ташкилотнинг кўплаб тадбирлари шу мамлакатлар маблағи ҳисобига молиялаштирилади. Мантиқан олиб қараганда, Хавфсизлик кенгашида улар ўз овозига эга бўлиши керак.

Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш ҳам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, фақат ривожланган давлатларнинг нуктаи назари билан қабул қилинган қарорлар бошқа мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмоқ даркор.

Президент Ислам Каримов БМТ Хавфсизлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни илгари сурди. Яъни бу органининг мавқеини кўтариш ва маъсулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутилган жиҳат шунки, қуролли можароларнинг олдини олиш ёки уларни бостиришда Хавфсизлик кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан, «муро-сага мажбурият» механизми ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дунёвий муаммолар ҳақида сўз борар экан, Орол денгизининг ҳалокатини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ислам Каримов бу фақат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузишни таклиф этди.

Дунёда янги хавфсизлик ўрнатилу учун экология, сиёсат ва иқтисодий соҳаларидаги муаммолар қаторида қуролсизланишга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Ўзбекистон Президенти бир неча йил илгари Марказий



Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққанди. Ислам Каримов Нью-Йорк саммитида бу хусусда тўхталар экан, БМТ Бош қотибининг ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси устида ишлаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаганини юқори баҳолади.

Нихоят, «Мингйиллик саммити»да қўтарилган энг долзарб масала - Афғонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айниқса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар кўряпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддаларни контрабандасига қарши кураш минтақа мамлакатлари тарафидан йўлга қўйилган қарорлар билан бағъланган. Афғонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айниқса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар кўряпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддаларни контрабандасига қарши кураш минтақа мамлакатлари тарафидан йўлга қўйилган қарорлар билан бағъланган.

Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш ҳам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, фақат ривожланган давлатларнинг нуктаи назари билан қабул қилинган қарорлар бошқа мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмоқ даркор.

Президент Ислам Каримов БМТ Хавфсизлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни илгари сурди. Яъни бу органининг мавқеини кўтариш ва маъсулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутилган жиҳат шунки, қуролли можароларнинг олдини олиш ёки уларни бостиришда Хавфсизлик кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан, «муро-сага мажбурият» механизми ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дунёвий муаммолар ҳақида сўз борар экан, Орол денгизининг ҳалокатини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ислам Каримов бу фақат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузишни таклиф этди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолиги тобора ортмоқда. Бу мамлакатимизнинг нуфузини ошириб, халқаро ҳамжамият аъзоларининг Ўзбекистонга ишончини мустаҳкамламоқда. Мамлакатимиз «Мингйиллик ассамблеяси» раиси ўринбосарлигига сайлангани бунга яна бир қарра тасдиқлади.

Ислам Каримовнинг Нью-Йорк сафари учрашувларга бой бўлди. Дастлаб АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг «Мингйиллик саммити» иштирокчилари шарафига уюштирган қабул маросимига Оқ уй раҳбари билан мулоқот бўлиб ўтди. АҚШ Президенти Б.Клинтон Ислам Каримовни Нью-Йоркка ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳақида кўпгина ижобий фикрларни баён қилди. Давлатимиз раҳбари мезгонга Ўзбекистонга ташриф буюришини таклиф этди. Қабул маросимида Ислам Каримов Япония Бош вазири Иосиро Мори билан ҳам суҳбатлашди.

БМТ минбаридан нутқ сўлаганидан кейин Ўзбекистон Президенти Туркия раҳбари Аҳмет Неҳдет Сезер билан учрашди. Суҳбат чоғида Марказий Осиёдаги вазият таҳлил қилинди. Минтақавий хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Туркия Президенти ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги, суверенитетини ҳимоя қилиб, халқаро террорчиларга қарши курашаётган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини ва бу бордада ўз мамлакатини юртимизга зарур ёрдамни қўрғатишга тайёр эканлигини айтди.

Исроил Бош вазири Эхуд Барак билан учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар кўриб чиқилди. Ислам Каримов Яқин Шарқ муаммосини куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслигини айтди. Икки томонлама алоқалар масаласида эса бу бордаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Президентимизнинг Америка олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда дунё нақшбандия тариқати издошларининг раҳбари шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан учрашуви ҳам гоёт самарали кенди. Қабул чоғида уламолар, динни ниқоб қилиб, одамларнинг тинчлини бузаётган террорчиларнинг ҳаракатини кескин қоралади. Дунё мусулмонлари орасида катта нуфузга эга

бўлган мазкур кенгаш ислом ақидалари ва гоғларини тўғри талқин этиш, бу борда тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Нью-Йоркда кечган гоёт муҳим мулоқот АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан бўлди. Учрашувда Мадлен хоним Ўзбекистондаги ва минтақадаги вазиятни, кенгайтган воқеаларни энди, яқинда юртимизга келиб-кетганидан сўнг, янада тараққот аглаб етганини айтди. Маълумки, бу йил АҚШ давлат департаменти ўта хавфли террорчилик ташкилотларининг йиллик рўйхатида ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атаётган бир гуруҳ жиноятчилар тўдасини ҳам қўшган. Аслида беватан, қонхўр, мақсада матлаби бўлмаган жангариларнинг аллақандай гуруҳини «ҳаракати» дейиш ҳам нотўғри. Чунки ўзини гўё «Ўзбекистон ислом ҳаракати» вакиллари, деб атаётган кимсаларнинг фикри ва феъли ҳақиқий диндан жуда йироқ. АҚШ давлат котиби ўз мамлакатига қарши курашда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Террор айна кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги қарийб барча давлатларни ташвишга солмоқда. Ислам Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг сўнгги саммитида қўтарилган гоғни БМТ минбаридан туриб ҳам айтди. Яъни, БМТ доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш керак. Бу офатга қарши яққа холда курашдан наф кам. Халқаро миқёсдаги кураш эса террорнинг ижрочиларининггина эмас, манбасини ҳам йўқ қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, БМТнинг иккинчи мингйилликдаги сўнгги саммити, умуман, инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашуви тугади. Ўзбекистон раҳбари унда гоёт долзарб ташаббусларни илгари сурди. Саммит доирасида қўллаб самарали учрашувлар ўтказди. Бу хайрли ташаббуслар ва учрашувлар албатта ўз натижасини беражак.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент - Нью-Йорк - Тошкент



ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

(Боши 1-бетда)

Биз учун энг муҳими, теннис бугунги кунда, шак-шубҳасиз, Ўзбекистонда энг оммавий ва сеvimли спорт турларидан бирига айланди, деди давлатимиз раҳбари. - Айниқса, у биз катта умид боғлаётган фарзандларимиз учун, ҳаваскор спортчилардан то моҳир теннисчиларгача, жуда қадрли бўлиб қолди.

Президент Ислам Каримов турнирнинг барча ташкилотчилари, менежер, мураббий, мутахассис ва журналистларга мазкур теннис байрамининг қизқарли ўтиши ҳамда оммавийла-

шувида катта ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Айни пайтда юртимизда меҳмон бўлиб турган АТП Тур ижрочи директори Марк Майлз Ўзбекистоннинг спорт ҳаётидаги бундай ўзгаришларга шахсан гувоҳ бўлди. У «Президент кубоғи»нинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, дунёнинг бирор мамлакатиде теннис бунчалик тез ривожланмаганини эътироф этди.

Спортга Ўзбекистондаги ҳар қандай эътиборни бошқа жойда учратмаганман, деди у жумладан.

Шундай қилиб, мамлакатимизда улкан теннис байрами бошланди. Мух-

лислар бир неча кун давомиде АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Испания, Исроил, Мароккаш каби дунёнинг кўплаб давлатларидан келган йирик спорт усталарининг беллашувларини тамоша қилади. Мусобақаларда жаҳон профессионал теннисчилар таснифида юқори поғоналарни эгаллаб турган Евгений Кафельников, Марат Сафин, Карлос Мойя, Грег Русседски, Седрик Пиолин сингари забардаст «катта ракетка» усталари ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш этади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина Бош вазири В.Юшченко бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматларо қўшма комиссиянинг фаолият кўрсатётгани мазкур жараённинг барқарор фаоллашувини таъминлаётди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболни тўғрисида сўз борди. Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этишни тезлаштириш муҳимлигини таъкидлади. Бош вазирлар Ўзбекистон-Украина ҳукуматларо қўшма комиссиясининг пойтахтимизда ўтказилажак тўртинчи мажлисида қўриладиган масалалар борасида фикр алмашди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Бўзатов тумани меҳнат бўлимининг бу гал ташкил қилган иш ўринлари ярмаркаси қутулганидан ҳам яхши самара берди. Унда 25 та корхоналар фаол қатнашди. 110 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. 50 нафар йигит-қизларга эса янги касб сирларини ўрганиш учун махсус курсларга йўлланма берилди.

(ЎзА)

Мамлакатимизда Президент раҳнамолигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсати шарофати билан бизор муаммолари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмушини янада яхшилаш, эмин-эркин ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бунда энг оммавий жамоат ташкилоти — қасаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси бор.

Самарқанд вилоят агро-саноат тизимидаги мавжуд 776 та бошланғич қасаба уюшма ташкилотиде ҳам халқ манфаати йўлида камарбаст бўладиган ёшлар фаолият кўрсатаётди. Қасаба уюшмалари меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тизимдаги барча давлат

ва нодавлат ташкилотлари билан жамоа шартномалари ва битимлар тузган. Барча хўжалик ва ташкилотларнинг бошланғич қасабақўшмалари «Соғлом асабақўшма» муносабати билан қишлоқ фуқароларининг ва маҳалла кўмиталари ҳамкорлигида хотин-қизларга меҳнат ва

дам олиш шароитларини яратиш ҳамда Президент фармонлари асосида қўшимча имтиёзлар белгилашига алоҳида эътибор бериб келяпти. Жумладан, фарзандлари 2-3 ёшга тўлгунга қадар аёлларга шу кунгача 288 миллион сўм, 700 нафар аёлларга эса 840 минг сўмлик нафақа берилди.

Меҳнат Кодексининг 228-1-моддасига биноан уч ёшга тўлган болалари бор, корхоналарда ишлаётган 17120 нафар хотин-қизлар иш вақти қисқартирилган имтиёзлардан

фойдаланаяпти.

Меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида вилоятнинг барча туманларида семинар машғулоти ташкил этилган. Холбуки, қасаба уюшмалари инсонлар ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга, унинг ўзи ҳам қонун устуворлигини фақат истиқлол туфайли ҳис этаётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Қасаба уюшмалари фаоллари жойларда бўлиб, меҳнат хавфсизлиги ҳолларини ўрганаётганлар.

Масалан, меъёрларга жавоб бера олмайдиган 14 та цех, иш жойлари ва ускуналар тўхтатиб қўйилди. Боз устига, меъёрий қоидаларнинг бузилишига йўл қўйган тўрт нафар раҳбар ва мутахассисларга 13850 сўмлик жарима солиш йўли билан маъмурий жазо чораси қўрилди.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодисаларга оид 5 та ҳужжат тергов органларига оширилган. Ўтган йилда тармоқдаги корхона ва хўжаликларда меҳнат муҳофазаси харажатларига 278 миллион 168 минг

ТИНЧ ҲАЁТГА ҚАЙТИШ - ЭНГ КАТТА САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиний ҳавоғарликдан озод қилиш тўғрисида»ги Фармони республикамиз аҳли ўртасида кизгин фикр-мулоҳазалар уйғотмоқда. «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси Раҳимжон Ақромов мазкур ҳужжат тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

Террорчиликни кечириб бўлмайдди. Барча тараққий этган давлатлар, соғлом фикрловчи кишиларнинг муносабати шундай. Шу нуктаи назардан қараганда, мазкур Фармон халқимиз, давлатимиз, шахсан Президентимизнинг турли салбий унсурлар таъсирига тушиб, террорчилар гуруҳларига адашиб кириб қолган шахсларга нисбатан юксак инсонпарварлигининг яна бир тасдиғидир.

Президент Фармонида кўзда тутилганидек, у ёки бу фуқаро террористик гуруҳ таркибига адашиб кириб қолган бўлса, унга катта имконият - инсоний ҳаётга, қадрдон шахри, қишлоғи, оиласи, яқинлари ёнига қайтиш имконияти берилди.

Ишончим комилки, террористик гуруҳлар таркибига алданган ва пушаймон бўлаётган кишилар кўп. Фармон хусусан мана шундай террорчи гуруҳлар қўлида қўғирчоқ бўлиш фожиаларини аглаб етган, ёвузлик қурбони бўлиб кетиш, қафасиз қўмилиш ва миллион кишиларнинг таъки-лаъна-

тига қолишдек муҳим оқибатни аглаб етган, оғир жиноятлар содир этиб, қўлини қонга ботирмаганларга қаратилган. Уларга адашган фарзандининг қисматидан юраги вайрон бўлган, номусдан эл ичида бошини кўтара олмай қолган ота-оналарнинг эгилган қадрларини тиклаш, бир умрлик исноддан холи этишдек жуда катта имконият берилмоқда. Ота-онанинг бағрига, киндик қони тўқилган элу юртига қайтиб, инсонлардек яшаш, тинч ҳаёт кечиришдек улкан саодат ато этилмоқда. Очиги, эсимни танганимдан бери давлат раҳбари кўрсатган бундай кечиримчилик, бундай бағри кенглик ва бундай инсонпарварликни кўрмаганман.

Менинг асосий иш жойим маҳалла. Ҳар куни вилоятнинг турли маҳалла-рида бўлиб, турли кишилар билан, кўпинча у ёки бу террорчи гуруҳ таркибиде бўлиши тахмин қилинаётганларнинг ота-оналари, хотинлари билан учрашаман. Уларнинг қариндош-уруғлари, ўғиллари, эрлари ёки ака-укалари жиноятчилар қаторига адашиб, баъзида дўқ-пўписалардан қўриқиб кириб қолганлигини тушунишларини кўрсангиз эди. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса ва қўллари қонга ботмаган бўлса, уларга ўз халқи ва Президентини олдида ўзини оқлаш имконияти берилди. Бу имконият, ўйлайманки, адашганлар учун сўнгги имкониятдир. Ундан фойдаланмаслик ўзини муқаррар ўлимга ва халқ нафратига ҳукм этишдан бошқа нарса эмас.

Н.ХУЖАЕВА, **ЎзА мухбири.**

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди. дейилади Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишидаги маърузасида. Хусусан, тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд ҳолда тижорат банкларида олиш муаммоси деярли ҳал қилинди. Ортбошимиз таъкидлаганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йиғилишида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тижорат банкларининг фаолияти каттиқ танқид остига олингандан сўнг бу борада ижобий силжишлар бўлди. Масалан, тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари биринчи ярми йилликда 37 миллиард сўмни ташкил этди. Бу — ўтган йил давомида ажратилган жами маблағдан ҳам кўп, демакдир. Бунда айнаса акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг ҳиссаси катта бўлди. Биз бунга маъруза банкнинг Сурхондарё вилоят бошқармасида бўлганимизда тўла ишонч ҳосил қилдик.

«ПАХТАБАНК»

ўтган йилга нисбатан икки баравардан кўп кредит ажратди

— Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди, — дейди бошқарма бошлиғи Эгамберди Тангриқулов. — Шу боис, ҳамма каби биз ҳам Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги танқиддан тўғри хулоса чиқариб, бу борадаги ишмишимиз янада яхшилаш йўлидан бормоқдамиз. Бунинг учун бошқарма ва унинг 15 та бўлимида тадбиркорлар ишларини енгиллаштириш мақсадига уларни ахборот билан таъминлайдиган ишбилармонлар бурчагини ташкил этдик. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, микрокредитлар бериш тўғрисидаги йўриқнома, уларни расмийлаштириш тартиблари намуна нусхалари акс эттирилган. Бошқарма ва унинг барча бўлимларида «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Тадбиркорларнинг оғзаки мурожаатлари, кредит сўраб берган аризалари қайд этиб борилади. Илгарилари банкдан кредит олиш анча қийин эди. Бундан бизнинг банкимиз ҳам мустасно эмас. Хусусан, тадбиркорларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш жуда мураккаб жараёнга айланганди. Улар хатто микрокредит олиш учун ҳам кўплаб ҳужжатларни тақдим этишга мажбур эдилар. Микрокредитлар ажратишга ҳам катта инвестиция лойиҳаларига бериладиган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйиларди. Президентимизга раҳмат. Чунки у кишининг саъй-ҳаракатлари ва маслаҳатлари билан ана шу жараён соддалаштирилди. Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес билан шу-

ғулланувчи тадбиркор микрокредит олиш учун атиги тўрттагина ҳужжат топширадиган бўлди. Булар бизнес режа, кредит олиш учун ариза, корхона баланси ва мулкӣ гаров. Тадбиркорлар мулкӣ гаровни қўйишда бешта йўналишдан фойдаланиши мумкин. Бунга тадбиркор ўз мулкӣ гаровга қўйиши, банк, учинчи шахс, сугурта компанияси ва маҳалла кафолатлари кирлади. Тадбиркорларга кредит бериш бўйича юқоридаги тадбирлар амалга оширилгандан кейин бу борада яхши натижаларга эришилди. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисол келтирсак. Шу йилнинг етти ойида банкнинг ўз ресурси ҳисобидан кредит ажратиш режаси 140 миллион сўм эди. Шундан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 55 миллион сўм, деҳқон ва фермер хўжалиқлари учун 85 миллион сўм кредит ажратиш белги-ланганди. Амалда эса банк тадбиркорларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб уларга 330,9 миллион сўмлик кредит берди. Бу режага нисбатан 238,5 фоиз, демакдир. Бу ўтган йил давомида берилган кредитдан ҳам кўпдир. Айнаса бу йил кичик ва ўрта бизнес субъектлари тадбиркорларининг кўпчилиги банк кредит хизматидан фойдаланиб, ўз иш жараёнларини кенгайтириб олдилар. Яъни, улар шу муддат ичида 239,2 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдилар. Бу режага нисбатан 435 фоизни ташкил этди. Хусусан, Термиз шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор М.Боймуродов мелибель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 15 фоиз устама билан 1,1 миллион сўм кредит олган. Узун туманида «Наргиза» хусусий фирмасига аҳолига маиший хизматни ривожлантириш учун 18 фоиз устама билан 4 миллион 75 минг сўм қарз берилган.

қандай бажарилмоқда? ИШ БИТМАЙДИ

сўм, яъни ҳар бир ишловчига 665 сўмдан маблағ сарфланган. Жорий йилнинг шу кунига қадар биргина «Оқтошдон» ҳиссадорлик жамиятида 3,5 миллион сўм, шундан махсус кийим ва ҳимоя воситалари учун 1,5 миллион сўм, «Беҳзод» фермасига қарашли Пайриқ пахта тозалаш заводида 630 минг сўм, шу тумандаги «Деҳқонobod» ширкат хўжалигида 123 минг сўм сарфланган. Мутасаддиларнинг маъсулиятни ҳис этиб, кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараҳатла-

ниш кескин камайди. Аммо меҳнат муҳофазаси борасида йўл қўйилган айрим хато ва камчилик, қонун бузишлари оқибатида бахтсиз ҳодисалар барҳам топмаётди. Тақдир қўли билан, ўтган йили 23 та, шундан ўлим билан туғгани 7 та, жорий йилнинг олти ойида эса 6 та, ўлим билан туғгани 3 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Қайд этилган ҳодисалар «Самарқандпарранда» корхонасида, Пахтачи туманидаги А.Аллаёров номи жамоа хўжалигида, «Жомбойдон» ҳиссадорлик жамиятида содир

бўлган. Афсуски, айрим корхоналарнинг раҳбарлари меҳнат ногиронларига зарар пулини тўлашдан бош тортаётган ҳоллари ҳам учраб турибди. Ана шундай пайтларда масала касаба уюшмалари ташаббуси билан ўз ўрнида ижобий ҳал этилмоқда. Жумладан, Нарпай туманидаги Улуғбек номи ширкат хўжалиги аъзоси З.Эшназаровга 37 минг сўм, меҳнат ногирони Д.Хотамовга 27 минг сўм, Пастдарғом туманидаги «Хончарбоғ» жамоа хўжалигидан 8 нафар меҳнат ногиронларига 41 минг сўм, Жомбой туманидаги «Чорвадор» жамоа хўжалигидан Ж.Мусурмоновага 60930 сўм товон

Саволларингизга ҳуқуқшунос Н. ХОЛБОВЕВ жавоб беради.

Қаердаки қонун бузилса, адолат топталади, инсон ҳуқуқи, қадрли тушди. Адолат бўлмаган жойда ишонч, эътиқод йўқолади. Касаба уюшмаси меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишда ҳамisha бoш ўринда. Шу боис ҳам ана шу ташкилотнинг саъй-ҳаракати билан кўплаб кишиларнинг муаммоси ҳал этилмоқда. Куйида савол билан бизга мурожаат қилганларнинг ҳам мушуқли осон бўлишига шубҳа йўқ.

Ф.НОРМАТОВ, Янги-обод туман «Ховос» ширкатлар уюшмаси фуқароси: — 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори шарҳларо, туман ва вилоят ҳудудидаги жамоат транспортларидан фойдаланишда қандай имтиёзларга эга?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун ордени тўғрисида»ги Низомнинг 4,1-банди х-кичи бандига асосан (1996 йил 30 августдаги қонун билан) шаҳар йўловчилар транспорт, қишлоқ жойлардаги автомобиль транспортларининг барча турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган.

Л.ОТАКОВ, Олот тумани «Олот» тикув фабрикаси ишчиси: — Кундузги ишдан сўнг иккинчи мутахассислигим фельдшер бўлганим сабабли соат 17 дан 23 гача туман марказий касалхонасида фельдшерлик қиламан. Сўрамоқчи бўлганим, пенсияга чиқсам иккала иш ҳақим ҳам қўшиб ҳисобланадими?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун ордени тўғрисида»ги Низомнинг 4,1-банди х-кичи бандига асосан (1996 йил 30 августдаги қонун билан) шаҳар йўловчилар транспорт, қишлоқ жойлардаги автомобиль транспортларининг барча турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган. **Л.ОТАКОВ, Олот тумани «Олот» тикув фабрикаси ишчиси:** — Кундузги ишдан сўнг иккинчи мутахассислигим фельдшер бўлганим сабабли соат 17 дан 23 гача туман марказий касалхонасида фельдшерлик қиламан. Сўрамоқчи бўлганим, пенсияга чиқсам иккала иш ҳақим ҳам қўшиб ҳисобланадими?

Миршкор эрта баҳордан орзиқиб кутган дамлар бошланди. Чамандек очилган пахтазорларда ҳосил йғим-терими кун сайин авж олмоқда. Чевар теримчилар дастлабки тонналарни этаклардан тўкиб мамлакатимиз оқ ол-

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 6-бобида «иш стажини ҳисоблаб чиқиш тартиби» белгиланган бўлиб, унга кўра меҳнат дафтари иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтари иш унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ю.ДОЛИМОВ, Қўрғонтепа туманидаги «Агроқурилиш» жамоа корхонаси ишчиси: — Иш давомида тан жароҳати олиб, 2-гурӯх ногиронлигига чиққанман, ҳозирда бу корхона банкрот деб топилди. Энди қайси корхонадан пенсия олишим тўғрисида маълумот берсангизлар?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига асосан давлат пенсияси турлари куйидагича белгиланган:

- 1) Ёшга доир пенсия;
 - 2) Ногиронлик пенсияси;
 - 3) Боқувчисини йўқотганлик пенсияси.
- Ушбу Қонуннинг 15-моддасида ногиронлик пенсиясини тайинлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ногиронлик пенсияларини меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган куйидаги ҳолларда тайинланади:
- а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва касб касалликлари рўйхати бўйича;
 - б) умумий касаллик (шу

ХУҚУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНА

жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) тўғрисида.

З.ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ургут тумани «Улуғбек» жамоа хўжалиги худудида жойлашган 5-мактаб ўқитувчиси: — 1994 йилда пенсияга чиқиб, 1994-1995 йиллар тўлиқ пенсия ва ишлашим сабабли иш ҳақини тўлиқ олиб бердим. Аммо 1996 йилдан пенсиянинг ярмини олиб келаяпман, шу тўғрими?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасида ишлаб турган пенсионерларга ҳақ тўлаш белгиланиб: унга кўра ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар иш ҳақи ёки бошқа даромадидан қатъи назар тўлиқ миқдорда тўланади, деб белгиланган. Қонуннинг 15-моддасида ногиронлик пенсиясини тайинлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ногиронлик пенсияларини меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган куйидаги ҳолларда тайинланади:

Х.ТУРСУНОВА, Жарқўрган тумани Чўлпон қўчаси 28-уйда яшовчи фуқаро: — 1984 йилдан Жарқўрган туманидаги 1-алока бўлимида хабарчи бўлиб ишлайман, беш нафар фарзандим бор. Ҳозирда ишхонада

штат бирликлари қисқартирилиб, мен ишлаб турган штат ҳам қисқартирилди. Ишсиз қолмаслигимга эса ҳеч ким кафилини бермаяпти. Бунга қандай тушунса бўлади?

Жавоб: — Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида ҳодимни олдиндан оғohlантиришнинг асосий мақсади, ҳодимга меҳнат шартномаси бекор қилинишига тайёргарлик кўриши: ушбу даврда ўзига маъшул иш излаш имкониятини беришдан иборат. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси бир қанча асослар бўйича бекор қилинганда (МК нинг 100-моддаси иккинчи қисми 1,2 ва 6-бандлари) оғohlантириш мuddати давомида иш берувчи ушбу корхонада ишга жойлаштириш чораларини кўриши шарт.

Бундай оғohlантириш зарурлиги Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қанча Конвенцияларида назарда тутилган ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

М.ХУДОЙБЕРДИЕВА, Китоб шаҳри: — Меннинг телефоним 1999 йилнинг қиш ойларида узилиб қолди, яъни ишдан чиқди. Сабобини сўраганимда телефон сими эскирган, алмаштириш керак дейишди. Мен иқтисодий қийинчилик тўғрисида бир оз кечикиб телефон алоқа хизматига

мурожаат қилганимда, улар менга 350 метр телефон сими-нинг ҳар бир метрига 50 сўмдан пул тўлайсиз ва телефон нуқтаси ўрнатиш учун яна 5000 сўм берасиз дейишди, Шу тўғрими?

Жавоб: — Амалдаги қонунчиликка кўра Сиз умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш, шартномада келишилган шартларни бузган тақдирда телекоммуникация хизматларини рад этиш: хизматлар кўрсатмаганлик ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатмаганлик натижасида етказилган зарарни тўлаттириш, маънавий зарарни қоплатиш, ўз ҳуқуқингиз бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Шунинг билан бир-галликда телефон хизматидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш, кўрсатилган хизмат учун ҳақни ўз вақтида тўлаш, ўз сифатини пасайтиришга ёки телефон тармоқларининг шикастланишига қаратилган қаттиқ-ҳаракатлар қилмасликка мажбурсиз.

Саволларингизга жавобан айтишимиз мумкин. Сиз томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан фақат кўрсатилган хизмат ҳақи тўлаб борасиз. Телефондан фойдаланганлик учун маълум мuddатда ҳақини тўламаганлик учун телефонни батамом узишга йўл қўйилмайди. Алоқа хизмати ҳодимларининг Сиздан телефон ўрнатиш учун яна 5000 сўм, шунингдек, 350 метр сим талаб қилишлари нотўғри.



Миршкор эрта баҳордан орзиқиб кутган дамлар бошланди. Чамандек очилган пахтазорларда ҳосил йғим-терими кун сайин авж олмоқда. Чевар теримчилар дастлабки тонналарни этаклардан тўкиб мамлакатимиз оқ ол-



Сатторова фаол иштирок этиш-ётир. Улар кунига 130-150 килограммдан пахта теришмоқда. **Суратларда: чевар теримчилар Гўзал Раҳмонова ва Уғилой Сатторова.**

БУХОРОДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Бухорода «Иновация-2000» халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Россия, Франция, Белоруссия илмий марказлари олимлари иштирок этди. Анжуманда «Интеграллаштирилган глобал инновацион жараёнлар ва тармоқлар», «Керамик нурлаткичларнинг қўлла-ниш соҳалари ва таъсир тамойиллари», «Ерлар шўрланишини микро-тўқинлар ёрдамида дистанцион аниқлашнинг афзалликлари ва камчиликлари», «Навоий металлургия комбинатида экологик вазият», «Нефть ва газни қазиб олишда математик моделлаштириш ва автоматик бошқариш» каби экология, математик моделлаштириш ва автоматик бошқариш, янги технологияларни ўзлаштиришга доир маърузалар тинг-ланди. Ўртага қўйилган муаммолар ечимини ҳамкорликда ечишга бағишланган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

БОЛАЖОНЛАР ХИБОНИ

Энергетиклар шаҳри - Тахياتошнинг жажжи фуқаролари «Соғлом авлод йили»да ажойиб совгага эга бўлишди. Шаҳарнинг хушманзара жойида «Соғлом авлод» хибони барпо этилди. Ҳозир бу ер болажонларнинг энг сеvimли масканига айланди. Хибонга Ж.Темирбоев лойиҳаси асосида қад ростлаган салобатли «Она ва бола» ҳайкали кўрк бағишлаб турибди. Хибонини барпо этишда Тахياتош ГРЭСи, «Энергетиклар» Уйсузлик комбинати, темир-бетон конструкциялари корхонаси каби ўнлаб жамоалар беғариз кўмаклашганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Н. ХОЛБОВЕВ, Агросаноат мажмуа ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси бўлим мудири.

Туронзамин даргалари

Мамлакатимизда калом илмининг асосчилари...

Нуриддин ас-Собуний ал-Бухорийнинг «Ал-Бидой фи усулид дин»...



казий Осиедаги ислом, исломшунослик тарихи буйича...

ЗАВОЛ БИЛМАС САБОҚЛАР

Манбаларда баён этилишича, ўз замонида уламо...

тасар фикр юритилган. Айниқса, «Китоб ат-тавхид»...

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, алломанинг...

Ёқуб ИБРОХИМОВ (ЎЗА)

Касаба уюшма спорти СЎНГГИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ

Бир неча ой давом этган касаба уюшмаларининг тармоқлараро...

Ҳаваскор-спортчилар стол тенниси, сузиш, тош кўтариш...

қалари 70 ва 90 килограммгача, шунингдек, 90 килограммдан юқори...

Кун сайин оммавийлашиб бораётган оилавий эстафета баҳслари ота, она ва болалардан ташкил...

ний, техник ва тактик жиҳатдан рақибларидан кучли эканлигини кўрсатиб...

ВАТАНПАРВАРЛИК КЎШИҒИ ЯНГРАМОҚДА

Андижондаги «Наврўз» марказий стадионда хайрия концерти бўлиб ўтди...



Сулола.

НАМАНГАНЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Вилоятда сўнгги йилларда спортнинг бошқа турлари каби теннис ҳам тез ривожланиб бормоқда...

«СОҒЛОМ АВЛОД» - ЁШЛАР ХИЗМАТИДА Наманган вилояти Уйчи туманининг чекка ҳудуди...

«ЭЪЛОН» «Ғайратий» фирмаси қосидаги модалар ательеси эркак ва аёллар кийимига буюртмалар қабул қилади...

Футбол ИШҚИБОЗЛАР КУТМАГАН ҲАМ

Мамлакат чемпионатининг навбатдаги турларида қайд этилган натижалар хойнаҳой мухлисларга маълуми машҳур «жўжани кузда санайдилар»...

масъул эканликларини унутмайдилар, деган умиддамиз.

Тўғри, қандайдир маънода чемпион билан тўп суришган «Пахтакор»...

сидан сўнг «Самарқанд-Динамо» 2:1 ҳисобида олдинда бораётган эди...

Лекин энг кутилмаган натижа Бухорода юз берди, десак муболаға эмас...

Table with 7 columns: ЖАМОАЛАР, Ҳ, Ю, Д, М, Т, Н, О. Lists football teams and their statistics.

СЕМИЗЛИК ҲАМ КАСАЛЛИК

Россиялик олимларнинг эътирофи этишларича, семизлик ҳам касаллик экан.

Қилмиш-қидирмиш

Дарахнинг бўшини қурт ётди, деганларидек, максасиз ва иродасиз одамнигина шайтон йўлдан оздирар экан...

лан гумдон қилинди. Барча тушган пуллар эса ўзаро тақсимлаб олинди.

Нурота шаҳридан қовун ҳарид қилиш учун келишган. Қўзланган манзилдан маҳсулот ололмай ночор ортага қайтишган.

Ҳар бир жиноий гуруҳнинг ўз этакчиси бўлади. Навоий туманида одамларнинг маълум бир пайт тинчлигини бузиб келган гуруҳга...

Буни қарангки, худди шу пайтда Конимех туманидаги Ерназар Сансизбаев, Бакит Қўйбоқаров, Манат Алходжаев, Манас Мухторов, Амиркан Мирзабоёвлардан иборат жиноий гуруҳ ҳам ўғирлик билан банд эдилар.

Харидор ҳам тайёр турган экан, Нурота туманининг Янгибино қишлоғидаги Муҳаммад деган танишлари орқали бир фермерга ҳар бош қўйни 4500 сўмдан жами 166500 сўмга пуллаб...

ЧОРВАНИ ҚИЙРАТГАН БЎРИЛАР

Садриддин Солиевлар билан навбатдаги рейдга отланишиб Қодир Раҳимов номили жамоа ҳужалигидаги 2-бригадада яшовчи Мирзо Исломов кўтонидан 9 бош қўйни Навоий шаҳри Низомий кўчасидаги 14-«а» уйнинг 35-хонасига яширинча олиб келиб, ваннахонада сўйиб гўшларини Юнжа кўчасидаги фуқароларга пуллаб юборишди.

Кўйи Самижон Шуқуровнинг уйига қўйишди. Шу билан шайтон васваси тўхтагандир, дерсиз. Қайда?! Алишер Йўлдошев Самижон Шуқуров, Шоҳрух Улугов, Қаҳрамон Зикиров, куёви Самижон Шуқуровнинг уйига қўйишди.

Суд мажлиси икки жойда — бири Навоий туман суди биносидан А.Холмуҳаммадов раислигида, иккинчиси Конимех туман суди биносидан Э.Қамбаров раислигида ўтган бўлса-да, ҳар иккаласида ҳам шайтон йўлдан оздирганлар қилмишларига яраша жазо олдилар.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.